



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
30 май
ЧОРШАНБА
№ 44
(11.951)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Пилла – 2007

ХИРМОНГА
БАРАКА КИРАЯПТИ

Вилоятимиз пиллакорлари қарийб бир ойлик катта эътибор ва масъулият талаб этадиган меҳнатлари ҳосилини йиғиб, қимматбаҳо хом ашёни қабул пунктларига пешма-пеш жўнатмоқдалар. Тармоқда етарли тажриба эгаллаб улгурган аксарият пиллакорлар йилнинг дастлабки ҳосилини барвақт етиштиришга муваффақ бўлганликлари туфайли, айни кунларда пилла топшириш жараёнлари авж паллага кириб улгурди. Умумий хирмонимиз ҳам кун сайин юксалаётир.

Вилоят «Пилла» акциядорлик жамиятидан олинган маълумотларга кўра виллоятимиздаги фермер хўжаликлари билан 1290 тонна хом ашё етиштириш юзасидан шартномалар тузилган бўлиб, кенгаи кунгача қабул пунктларига етказиб берилган «кумуш тола» 468,2 тоннадан ошди. Пиллакорларимиз хар кун йиллик режанинг 12 фоизидан ошириб ҳосил йиғмоқдалар. Айниқса, Бўка, Ўртачирчик, Чиноз туманлари кунлик суръатда пешқадамлик қилишмоқда.


Бекобод – виллоятимиз пилла хирмонига салмоқли улуш қўшадиган туманлардан. Тумандаги фермер хўжалиқларининг 2210 нафар аъзоси хориждан келтирилган 3680 кўти кўрт уруғини рисоладагидек парваришладди. Фалғирни сувдан кўтариш вақтида улар хар кутидан 60-65 килограммдан сара ҳосил олмақдалар.

– Бу йилги мавсумда пил-

ган илғорларнинг 45 нафарига рангли телевизор, музлаткич, гилам каби қимматбаҳо совғалар жорий қилинган.

Шу кунгача 10 дан ортиқ пиллакорлар ана шу совринларга эга бўлдилар. Жумладан, «Насриддин» фермер хўжалиги пиллакори Норбуви Турсунова, «Азиз Абдулло» фермер хўжалигидан Дониёр Холбоев, «Сардор Сарлочин» фермер хўжалиги аъзоси Эргаш Мавлонов ҳам мукофотли, ҳам мўмай даромадли бўлишди.

СУРАТЛАРДА:
(ўнгда) фермер Абдуманнон Абдухалов пиллакор Мирзараҳим Ҳоқаров билан; пилла сифати комиссияси иш устида.

Эркебой БОТИРОВ
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ
Ю. Саркисянни
«Меҳнат шухрати»
ордени билан
мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, футболни тарғиб қилиш йўлидаги жонқурлиги, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ва кўп йиллик самарали фаолияти учун Фарғонанинг «Нефтич» футбол жамоаси бош устози Юрий Вагенович Саркисян «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2007 йил 29 май.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ
М. Қосимовни «Меҳнат
шухрати» ордени
билан мукофотлаш
тўғрисида

Ўзбек футболининг шухратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон Миллий ва Олимпия терма жамоалари катта устози Миржалол Қўшқович Қосимов «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2007 йил 29 май.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ
КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлиқлар, идоралар ва жойлардаги ҳокимият органлари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қабул қилинган айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши, давлат қўмиталарида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш натижалари батафсил таҳлил қилиниб, қозғосиз ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисобот тингланди. Ушбу тизимни жамият фаолиятининг барча жабҳаларига татбиқ этилишини илҳом қилган электрон ҳужжат айланиши янада ривожлантириш ҳамда амаллаштириш истиқболларига эътибор қаратилди. Электрон ҳужжат айланиши тизимларини бирхиллаштириш мақсадида миллий стандартлар қабул қилиниши жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда масъул шахсларнинг Тошкент шаҳри ва виллоятининг айрим туманларида электрон ҳужжат айланиши воситаларида фойдаланган ҳолда, молиявий ҳисобдорлик ва ҳисоб-китобни тақдим этиш тизимини шакллантириш ҳамда янада ривожлантиришга доир масъулларни тингланди. Солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари кўриб чиқилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталарининг корпоратив ва маҳаллий тармоқларининг ахборот хавфсизлиги мониторингини натижаларини ҳам муҳокама этди.

ЎЗА.

Президент Ислам Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бизнеснинг муваффақияти бозор иқтисодиёти институтлари фаолиятига бевосита боғлиқ эканлиги таъкидланди.

АУДИТОРЛИК
ФАОЛИЯТИ
ТАКОМИЛЛАШАЁТИР

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг маъмур соҳа ривожига эътибор янада кучайди. 2006 йил 1 апрелдан бошлаб хизмат кўрсатувчи айрим юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлашдан озод этилди. Улар ичиде аудиторлик хизмати ҳам бор.

Пойтахтимизда аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторларнинг масъулиятини янада

оширишга бағишлаб ўтказилган анжуманда шу ҳақда гап борди. БМТ Тарақиёт дастури томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Молия, Адлия вазирликлари масъул ходимлари, тадбиркорлар, аудиторлар, бухгалтерлар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган аудиторлик фирма ва компаниялари фаолияти таҳлил этилди. Аудиторларнинг малакасини ошириш ва масъулиятини кучайтириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган.

ЎЗА.

ТАЛАБАЛАР ИХТИРОСИ

Ўртачирчик тумани автотранспорт хўжалиги корхонасида янги ҳаво тутигч мосламасидан фойдаланила бошланди.

«КамАЗ-740» русумли машина двигатели учун мўлжалланган бу қурилмани Тошкент автомобиль ва йўллар қасб-хунара коллежининг бир гуруҳ истеъдод-

ли ёшлари яратишди. Мослама дизель ёқилғиси билан ишлайдиган ички ёниш двигатели қувватини ошириш имконини беради. Атроф-муҳитга зар-

рarli моддалар ҳамда қурум чиқиши анча камайдиган. Ҳаво тутигч ҳаво тозалагичнинг хизмат муддатини узайтиради. Энг муҳими, энди корхона бир донга ҳаво тутигч мосламасидан 20 минг сўм фойда қўрапти.

Акбар АЛИЕВ.



УНИВЕРСИАДАДАН УМИД КАТТА

2007 йилнинг 20-24 июнь кунлари Тошкент шаҳри муҳим тадбирнинг мезбони бўлади. Мамлакатимиз олий ўқув юртал-

ри ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган универсиадада талаба-ёшлар ўзаро куч синашилади.

ладик.

– Навбатдаги мусобақа ҳам ўзингиз бошқош экансиз-да, тайёргарлик қизгин бўлса керак?

– Қўпчилик бу йил «Универсиада»ни тўртинчи марта таъаб ўтказиляпти, деб ўйлайди. Аслида эса, бу йилги бешинчиси ҳисобланади. Хайрон бўлаётгандирсиз? Бу мусобақа ilk бор 1999 йили айнан Тошкент шаҳрида ўтказилган эди. Ушанда

жамоалар виллоятлар номидан эмас, ўзлари тахсил олаётган билим даргоҳлари номидан майдонга тушишган. Ушанда бизнинг Тошкент Давлат аграр университети умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллаган эди. Айнан пойтахтда ташкил этилган ушбу мусобақалар унинг мамлакат миқёсида анъанага айланишига асос бўлган.

Хар доимгидек, тайёргарлик машғулотларига жиддий муносабатда бўлиняпти.

(Давоми 4-бетда).

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун

ҲАЁТ ЗАВҚИ СИЗ БИЛАН



Азал-азалдан болажон халқимиз. Шу сабаб, уларга бутун борлигимизни, меҳру-муҳаббатимизни бахш этамиз. Жажигина юрагига бор тағтимининг сингдириб, қалб кўримиз билан парвариш қиламиз. Ҳаётимизнинг завқ-шавқи, роҳатию мазмуни ҳам шунда.

Болага она-Ватанга муҳаббат, садоқат руҳини сингдириш, уни хар томонлама ҳимоялаш олий бурчимиз. Миллат саломатлиги, юрт бойлиги, уни асраб-авайлаш хар биримизнинг шарафли вазифамиздир. Қолаверса, болаларга бўлган муносабат давлат сиёсатининг асосий мезон-

ларидан ҳисобланади.

Жамиятда соғлом авлод таркиб топиши, шаклланишига, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялашга устуворлик берилган.

Фарзандларимизни хар томонлама рағбатлантириш, уларга қўлай шарт-шароитлар яратиш, маъна ва жисмонан етук бўлишини таъ-

минлаш жамиятимизнинг бош мақсади ҳисобланади. Болалар ҳуқуқлари, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати бўлган муносабатлар Бош қомусимиз ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатлар билан муҳофаза қилинган.

Болани алоҳида ҳимоя қилиш зарурлиги 1924 йили Бола ҳуқуқлари Женева Декларациясида ва 1959 йил 20 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Бола ҳуқуқлари Декларациясида ўз аксини топган, шу асосда хар бир мамлакатда уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун халқаро ҳамкорлик қилишнинг гоёат муҳимлиги эътироф этилган. Шунингдек, хар бир жамият кишилари мазкур ҳужжатларда кўрсатилган ҳуқуқ ҳамда эркинликларни ирки, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа этиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар тенг таъминлаши белгилан қўйилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билим-

ли ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» тамойили асосида ҳаракат олиб борилмоқда. Унлаб халқаро ва жамоат ташкилотлари, хайрия жамғармалари болалар маънавий-руҳий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, ватанпарварлик руҳида камол топтириш учун қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Биргина «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Камалак» болалар ташкилоти ўзиде 4 миллиондан зиёд аъзони бирлаштирган. Ташкилот ўз фаолиятини тарбиянинг ўзига хос ёндашув ҳамда усулларидан фойдаланган ҳолда, болаларнинг онгига Ҳаракатнинг асосий мақсад-мудддоларини сингдиришга қаратган.

Болаларнинг ақл-заковатли, юксак билимли, соғлом, бақувват бўлиб ўсишлари учун ҳамма шароитлар муҳайё. Шу боис ҳам юрт раънақи, Ватан келажаги ишончли қўлларда эканлигини ҳис этамиз.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.



ИСЛОҲОТ МЕВАСИ

Чиноз туманида 2004-2009 йилларга мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига кўра 46 та умумтаълим муассасаси қайтадан таъмирланади. Хусусан, 6 та янги мактаб қуриш, 17 тасини капитал реконструкциялаш, 22 тасини капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Кердара қишлоғидаги 140 ўринли 41-умумтаълим мактаби ҳам бу йилги режага мувофиқ янгидан бунёд этилиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Уни 33-худудий механизациялашган кўча колонна жамоаси қуриб берди.

Фарзандларимиз замонавий, кенг, ёруғ, шинамсинф хоналарида билим оладиган бўлишди. Мактабнинг очилиш маросимида эски мактаб биносида таълим олишни бошлаб, бу йил ўқишни тутатган битирувчилар учун сўнгги кўнгирик чалинди.

Сабрину ЗОКИРОВА,
академик лицей
талабаси.

Демократик ҳуқуқий давлат қурилишида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда юртимизда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилляпти.

БЎЛАЖАК
ҲУҚУҚШУНОСЛАР
БАҲСИ

Барча таълим муассасалари, жумладан, болалар боғчаси, мактаб, олий ўқув даргоҳларида ҳуқуқ фанидан сабоқ берилиб, фанга оид турли танлов ва олимпиадаларнинг анъанавий равишда ўтказилаётгани ёшларнинг бу борадаги билимининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент давлат юридик институтиде мамлакатимиз олий ўқув юрталари талабалари ўртасида ҳуқуқшунослик фанидан ўтказилган олимпиада улардан бири бўлди.

Танлов якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси тингловчиси Икром Фозилов биринчи ўринни эгаллади.

Тошкент давлат юридик институти талабаси Бекзод Мусаевга иккинчи, Наманган давлат университети талабаси Қаҳрамон Ниёзхўжаевга учинчи ўрин насиб этди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири.

КҮРИК-ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан пойтахтимизда "2007 йилнинг энг яхши тарбиячиси" республика кўрик-танлови якунланди.

"2007 йилнинг энг яхши тарбиячиси" кўрик-танловида иштирокчиларнинг билим ва тафаккури, замонавий педагогик технологияларни тарбиявий жараёнга жорий этиши, услубий-дидактик, техникавий воситаларни самарали қўллаши каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Навоий шаҳридаги 10-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси Дилбар Алимова биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўрин пойтахтимиздаги 241-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси Нодира Раҳимова, учинчи ўрин Тошкент вилояти Ангрэн шаҳридаги 32-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси Феруза Эшоннаевага nasib этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Қарор Ва ижро

ВАҚТ ҒАНИМАТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006 йил 7 март кунини автомобилотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва бошқа шахсга бериш ҳамда расмийлаштиришни тартибга солиш, автомобилотранспорт воситалари юзасидан битимлар тузишда фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида қарор қабул қилди.

Унга асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия ва Ички ишлар вазирликлари раҳбариятига автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар ва битимларни расмийлаштиришнинг белгиланган тартиб ва талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклатилди.

Акс ҳолда айбдор мансабдор шахслар жавобгарликка, ҳатто, жиноий жавобгарликка тортилиши, нота-риуслар эса лицензиядан маҳрум қилиниши кўрсатиб ўтилди.

Қарорга кўра, 2006 йил

1 июлда автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш (олдир-сотиш, айрибериш, ҳада) ва ижарага бериш шартномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, сериясига, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган, «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бириктирилган қарор талаби янада тўлиқ амалга оширилиши таъминлаш, шунингдек, автомобилотранспорт воситалари эгалари ва ҳайдовчиларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамасининг қоридидаги қарор талаби янада тўлиқ амалга оширилиши таъминлаш, шунингдек, автомобилотранспорт воситалари эгалари ва ҳайдовчиларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 4 майдаги «Автомобилотранспорт воситалари билан фойдаланиш ва уларни тасаруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни гербли (маҳсус) бланкаларда қайта расмийлаштириш

рага бериш шартномалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йул ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларида ҳисобга қўйилмоқда.

Республика Адлия ва Ички ишлар вазирликлари аввал берилган ишончномаларни 2007 йил 1 январига давлат божи ундирмасдан қайта расмийлаштиришни таъминлаб келди. Шу муносабат билан қайта расмийлаштирилган ишончномалар ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши керак эди. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг қоридидаги қарор талаби янада тўлиқ амалга оширилиши таъминлаш, шунингдек, автомобилотранспорт воситалари эгалари ва ҳайдовчиларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 4 майдаги «Автомобилотранспорт воситалари билан фойдаланиш ва уларни тасаруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни гербли (маҳсус) бланкаларда қайта расмийлаштириш

га доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга асосан, автомобилотранспорт воситалари билан фойдаланиш ва уларни тасаруф этиш ҳуқуқи учун 2006 йил 1 июлгача ишончномаларни гербли (маҳсус) бланкаларда қайта расмийлаштириш 2007 йил 1 июлгача амалга оширилиши таъминлаб келди. Ишончномалар гербли (маҳсус) бланкаларда қайта расмийлаштирилгани учун давлат божи ундирилмайдиган. Қайта расмийлаштириш учун ишончнома ишонч билдирувчи ёки ишончли вакил томонидан паспорт кўрсатилган ҳолда олдин расмийлаштирилган нотариал идорага тақдим этилади.

Гербли (маҳсус) бланкаларда қайта расмийлаштирилмаган ишончномалар бўйича автомобилотранспорт воситаларини бошқаришга йўл қўйилмайдиган.

Г. ХАЛИЛОВА,
вилоят адлия
бошқармаси масъул
ходими.



ДЕҲҚОННИНГ ҚИЗҒИН КУНЛАРИ

Фаллакор учун ғалвир сувдан кўтариладиган палла тобора яқинлашаётти. Урим-йигим мавсумининг кўнглидагидек, юксак уюшқоқлик билан ўтиши кўп жихатдан бугунги тайёргарликка ҳам боғлиқдир. Вилоят ҳокимининг «Вилоятда 2007 йил бошқоқ дон экинлари ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди мавсумни белгиланган муддатда, муваффақиятли якунлаб олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар режаси белгилаб олинган.

Хусусан, ўрим агрегатларининг бир маромда, узлуksиз ишлаши, жалб этиладиган транспортларни бирламчи эҳтиёт қилмаслар, ёқилғимойлаш ашёлар билан таъминлаш, ҳосилни нест-нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш, қабул қилишни узлуksиз йўлга қўйиш, умуман, мавсумга алоқадор бошқарма, корхона ва ташкилотлар масъулиятини кучайтириш юзасидан аниқ вазифалар кўрсатиб ўтилган.

Бу мавсумда ўрим-йигим ишлари отряд усулида ташкил этилиб, навбатма навбат ўроқ тушадиган ғаллазорлар аввалдан уларга бириктирилмоқда. Урим-йигимда иштирок этадиган оператор, механик ва ҳайдовчиларнинг иш ҳақлари ҳам бевосита мавсум давомида, вақтида ҳисоб-китоб қилинади.

Яна бир муҳим жиҳат, бу йил давлат эҳтиёжлари учун этикази бериладиган ғалланинг сифатида алоҳида эътибор қаратилади. Аниқсиз, уруғлик дон етиштирилаётган майдонлар маҳсус ўрганилиб, ҳосил мутаассасларнинг хулосалари асосидидаги қабул қилинади.

Янгийўл туманидаги «Муруватли Дилфуза» фермер хўжалиқи деҳқонлари бу мавсум 50 гектар майдонда ғалла етиштириб олишга тайёргарлик қилишмоқда. Тадбиркор аёл Дилфуза Азимова бошқараётган хўжалиқ ғаллазорларининг

бугунги ҳолати чакки эмас. Кўкка бўй чўзган бошқоқлар кундан-кун тўлишиб, обитобида етиляпти. Энг асосийси, бироз серёғин келган баҳор кунлари экинга жиддий зиён етказмади, тажрибали ғаллакорлар зараркунандаларга қарши вақтида, самарали курашиб, ҳосилни сақлаб қолишга эришишди.

— Ўрим мавсумига ҳар жихатдан пухта тайёргарлик қилиш, — дейди фермер. — Донни юқори навларга топшираимиз. Экинзоримиз беғона ўтлардан ҳоли, ўримда қийинчилик туғилмайди. Насиб бўлса, ўримга 20 июндан тушишни, 50 центнердан хирмон кўтаришни чамалаб турибмиз.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТДА:

хўжалиқ ғаллакорлари Дилмурод Қобилбоев ва Абдуҷалил Абдураҳмонов бўлик бошқоқлар салмоғидан мамнун.

Даврон АХМАД
олган сурат.

Ижтимоий ҳимоя ўли

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯҒОНА МАРКАЗ

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга молик муассасаларни қайта тиклаш, таъмирлаш бўйича «Меҳр нури» жамғармаси ташаббуси билан қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Гематология ва қон қуйиш илмий тадқиқот институтининг «Гемофилия ва қон тизими депрессиялари» маркази нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягоналиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

— Унинг қайта таъмирланиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишида «Меҳр нури» жамғармаси ҳамда ҳомийлар хизмати беқиёс бўлди, — дейди марказ раҳбари Азиза Маҳмудова. — Марказимиз олти йил ўнгга мўлжалланган. Бу ерда асосан қон тизими касалликларига кирувчи гемофилия ва қон тизими депрессияси билан хасталанган беморлар даволанади. Гемофилия — қоннинг наслий касаллиги бўлиб, беморларда қон ивиш жараёни омиллари етишмовчилиги туфайли келиб чиқади. Қон тизими депрессияси эса, соддароқ қилиб айтганда, суякларда илиқнинг қуришидир. Республикаимизда бу каби хасталиклар билан оғирган беморларнинг 1398 нафари рўйхатга олинган. Уларни даволаш учун замон талабига мос жиҳозлар, юқори малакали шифокорлар, қўлай шарт-ша-

роитлар зарур. Марказимиз бугун ана шундай имкониятларга эга. Бу-



нинг учун «Меҳр нури» жамғармаси ва унинг ҳомийларидан миннатдоримиз.

Ҳозирги кунда Англия, Словакия, Япония ва Австрия каби мамлакатларда ўқиб, малакасини орттириб келган олий тоифали шифокорлар бутун республикадан келган беморларга бегараз ёрдам беришмоқда.

Сайёра РИХСИЕВА
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТЛАРДА:

марказнинг умумий кўриниши; марказ раҳбари Азиза Маҳмудова ва плазмафарез бўлими мудири Шоира Воҳидова муолажа хонасини кўздан кечиришмоқда.

Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.

Фосфорли оҳакларни соф ҳолда ишлаб чиқариш учун ўзига хос технология усули яратилди.

СОФ ОҲАК ОЛИШ УСУЛИ

Тошкент кимё-технология институти олимуларининг изланishлари самараси ўлароқ оҳакни фосфорли кислоталардан ажратиб олиш имкони туғилди.

Бу янгиликни амалиётда қўллаш мақсадида олий ўқув юрти Олмаликдаги «Аммофос» очик ҳиссдорлик жамияти билан шартнома тузди. Тажриба-синов ишларини олиб бориш учун 15 миллион сўм маблағ ажратилди. Жараён муваффақиятли якунланган, институт олимулари тавсия этган соф оҳак олиш усулини «Аммофос»дан ташқари бошқа кимё саноати корхоналарида ҳам қўллашга кириштилади.

Али АҚБАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида номзодлар

ҲАР АСРОРИН — ЭЛ ФАРЗАНДИ

Таниқли шоир Азим Суюннинг асарлари ўзбек шеърининг яхши намунаси. Унинг шеърлари қорақалпоқ, қозоқ, уйғур, турк, рус, инглиз, корейс, тожик ва бошқа тилларга ҳам таржима қилинган. Қўринадики, Азим Суюн ўз ўрни, ўз овозига эга ижодкор. Шоир-

нинг шу йил чоп этилган «Ватан фасллари» тўплами адабиётимизда ўзига хос воқеа сифатида эътироф этилиши тасодифий эмас. Негаки, шу вақтга қадар бирор шоир фақат Ватан мадҳига бағишланган шеърлардан иборат алоҳида китоб яратмаган эди.

Назаримизда, «Ватан фасллари» тўпламининг ўзига хослигини таъминлаган биринчи жиҳат тасвирнинг самимийлигидир. Шоир шеърларида сўзлар табиий равишда оқиб келаядир. Чунки бу сўзлар ортда самимий ва чин туйғуллар турибди.

Муаллиф жамиятнинг қўқсига қулоқ тутди ва унинг юраги зарбини тўғри илғаб, ўзгаларга эшиттира билди. Шунинг учун шоирнинг шеърлари қуруқ хитоблардан йироқ. У юртнинг гўзал, бетакор қиёфасини ўзгаларга юқадиган бир самимият билан кўрсатади:

Ипак мезонлар учар,
юрсанг юзга илашар,
Соғинтирди кўп узоқ
қузнинг намхуш ҳавоси.
Болалар бир-бирига
қилишар янтоқ ҳашар,
Пахта пайкаларида
бобосио момоси.

Насибаси ҳалолми,
тупроғим, Ватан ўзинг.
Меҳнатлари жаннатли —
оппоғим, Ватан ўзинг!
Сиртдан қараганда, бу сатрларда фақат манзара чиқарилаётганга ўхшайди. Шоирнинг маҳорати шундаки, ўзи чизган манзара замирига руҳий ҳолатини, инсон туйғуларини, миллат қадриятларини жойлаш билган.

Азим Суюн шеърларида миллий тимсол, миллий руҳият ёрқин акс этган. Айни шу миллий ўзига хослик шоир шеърларига некинлик, кўтаринчилик бахш

этган. Негаки, ўзбекка азал-азалдан умидсизлик, тушқунлик ёт. У бир умр, ҳаётнинг энг оғир дамларида ҳам қандайдир мўъжизага, эзгуликка умид қилиб яшайди. Шу миллатнинг бир ўғлини сифатида Азим Суюн ҳам ўз шеърини сатрларида умидбахш руҳ, кўтаринчи кайфият уфуриб туришига интилади. Шундан бўлса керак, унинг шеърларидаги Ватан шунчаки, бир географик макон бўлиб қолмай, у асл инсоний туйғуга, одамнинг нозик сезги-ларига айланади:

Ёз чилласи ёндирар,
қуриб қолди сойлоқлар,
Дашту сархалар узра
ўралиб учар қуён.
Қиру адирлар аро сукон
мудар қишлоқлар,
Жирналар, жарликларда
қўй-қўзилар олар тин.
Тўғрайи чулдирган
қишлоғим, Ватан ўзинг,
Майли, йўллари тошлоқ,
тошлоғим, Ватан ўзинг!

Юртни суйғувчи бир фарзанд ўлароқ шоир Ватанни қадрлайди, унинг ҳар қарич ерини эъзозлайди. Унга бўлган муҳаббатини нафис рамзалар орқали ифода этади. Шунинг учун ҳам «жирна», «жарлик», «қўй-қўзи» сингари шеърятдан анча йироқ туйнунлар ҳам поэтик маънога эга бўлган.

Шоирнинг «Ватан ёшлари» шеърини ўзбек ёшларининг қалбидида ёниб турган туйғулари ифодаси дейиш мумкин. Унда маънавиятли ҳар бир ўзбек йигит-қизининг Ватанга бўлган муҳаб-

бати улар нуктаи назаридан ифода қилинган:

Биз ўзбек ёшлари,
Ватан ёшлари,
Ватан тақдирига
тақдирдош насл,
Миллатнинг бир жону
бир тан ёшлари,
Буюк келахатқа
дахлдор, масъул!
Мардона-мардона
ташайлик қадам,
Озод юрт, обод юрт
бўлсин мукаррам!

Шеърда ўзбек ёшларининг Ватан билан тақдирдош, ўзларини юртдан айро қўрмайдиган насл экани, улар Ватаннинг ёрқин келажига учун масъулият ҳис этиши тасвири йўсинда ифодаланган.

Китобдан жой олган «Ўзбек давлати» асарини бугунги кунда Ватан ҳақида ёзилган энг сара дoston дейиш мумкин. Асар ўн икки манзарадан иборат. Достондаги Замонбек, Нор-биби ая ва шоир образларидаги ўзига хос жиҳатлар ҳамда ҳар ўқувини бирлаштириб турадиган хусусиятлар асарда эсда қоладиган қилиб акс эттирилган.

Шоир тасвир йўсинида қўфия, тўроқ каби шеърини унсурларга кўпда риоя қилиб, ўзини чеқламайди. Бу ҳол асарнинг таъсирчанлигини оширган.

Достоннинг эркин вазида ёзилганлиги, шоир ифода воситаларини қабул этилгандай эмас, ўзи истганидай тасаруф қилгани учун асарда ҳиссиётларнинг қуёқ тасвирланишига

эришилган. Китобдаги «Миллатини қизлари», «Бу қиз», «Аёл» каби шеърларда ҳам шоирнинг аёл сиймосида юрт тимсолани кўрганлиги кўзга аққол ташланади.

Умуман, тўпламдаги шеърларда юртга меҳр, инсоний қадриятларни улуғлаш руҳи устувор бўлиб, ҳар бир асар ўқувчини чуқур мушоадага ундайди. Чунки Азим Суюн ўзини бутун элу юртга тегишли фарзанд билиб, шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда самимият билан қалам сурган. Шоирдаги бу ҳолат шеърлар орқали ўқувчига ҳам ўтади. Шунинг учун шоирнинг қуйидаги мисралари шеърхон томонидан гоёта самимий қабул қилинади:

Ҳар битгим —
хар асрорим, ҳар бири
фарзанд каби,
Чин фарзандлар азал-
абд эркинчи элники.

Элнинг фарзанди бўлган бир юз саксон уч асарни ўз ичига олган «Ватан фасллари» шеърини тўплами ўзининг бадий қуввати, тарбиявий ҳусусияти ва ижтимоий аҳамияти билан таҳсинга лойиқдир. Ёшларда Ватан туйғусини тарбиялашда Азим Суюннинг бу китоби алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ҳақимжон КАРИМОВ,
филология фанлари
доктори, профессор,
Гулжаҳон ДҲҲОЖОНОВА,
катта ўқитувчи,
Гулбону АЛИМБЕКОВА,
магистрант.

Тағбир ОИЛАВИЙ СПОРТЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Оҳангарон туманидаги Увак фуқаролар йиғини уйингоҳида ўтказилган оилавий спортчилар мусобақасида туман маҳаллаларидан 10 дан ортиқ оила иштирок этди.

Спортнинг футбол, миллий кураш, шахмат-шашка турлари бўйича беллашган спортчилар ўртасида 1-ўрин увавлик Минг-боевлар, 2-ўрин теловлик Эшонқуловлар, 3-ўрин эса сусамлик Сайдамновлар оиласига nasib этди.

Ғолиб спортчилар тадбир ташкилотчилари — вилоят Болалар спортини ривожлантириш ҳамда туман «Маҳалла» жамғармаларининг соғалари билан тақдирландилар. Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

31 май — Халқаро кашангаликка қарши кураш кун

СОҒЛИҚНИ АВАЙЛАШ ЛОЗИМ

Инсон — табиатнинг буюк кашфиётидир. Табиат инсонни узоқ ва бахтли ҳаёт кечириш учун яратди.

Инсоннинг қандай ва қанча умр кўриши ўзининг шахсий ҳаёт тарзи, табиат инъом этган имкониятлардан қай даражада фойдалана олиши каби кўп омилларга боғлиқдир. Шундай оdatлар ҳам борки, уларга инсон мактаб ёшиданок ўргана бошлайди ва оқибатда бутун умри давомида ундан кутула олмайд. Кашангалик, гиёҳвандлик ҳамда спиртли ичимликларга ружу қўйиш шулар жумласига ки-ради.

Шу боис, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ташаббуси билан 1980 йилдан бошлаб, ҳар йили 31 май — жаҳонда тамаки чекишга қарши кураш кун сифатида ўтказилмоқда. Маълумотларга қараганда ҳар 6 сонияда бир киши, 1 дақиқада 10, 1 соатда 600, 1 кеча-кундузда 14 мингдан зиёд, 1 йилда эса, 5 миллион 256 минг киши тамаки чекишининг салбий оқибатлари натижасида ҳаётдан кўз юммоқда.

Бугунги кунда ёшлар ўртасида тамаки чекишга ружу қўётганлар кўпайиб бормоқда. Айниқса, ёш қизлар, умумий таълим мактаблари ўқувчилари ва ҳомиладорлар ўртасида чекувчилар

қайд қилинмоқда. Тамаки чекишга қарши кураш бўйича 2004-2009 йилларга мўлжалланган миллий дастурга биноан аҳоли ўртасида тамаки чекувчиларни ҳар йили 1,5 фоизга камайтириш кўзда тутилган. Бу борада изчил фаолият олиб борилмоқда.

Тамаки таркибида 4 минг 720 хил зарарли моддалар мавжуд бўлиб, энг захарли моддалардан бензопирин, никотин, СО-ис гази, радиоактив полоний ва юқори иссиқлик даражаси ҳисобланади. Жумладан, тамаки ёнганида ўзида 300 даража иссиқлик ҳосил қилади ва у чекувчининг томоғидан 60 даража бўлиб ўтади. Бир дона сигарета чеккан киши 25 фоиз зарарли моддаларни ичига ютади. Бунинг оқибати шундаки, чекувчилар орасида турли рақ салликлари келиб чиқади.

Жаҳон статистикаси шундан далолат берадики, ҳозирги вақтда ер қуралисида эркаларнинг 60 фоизи ва аёлларнинг 20 фоизи мунтазам чекади. Кашангалик эркаларнинг деярли бешдан бир қисми 8-9 ёшдан чека бошлаган. 92 фоиздан зиёди эса, бу йилда 19 ёшга қадар ўрганган.

Ўсмирларни чекишга ундайдиган асосий сабаблар атрофдаги чекаётган инсонларга тақдир қилиш — 26,2, қизкиш — 24,1, шўхлик натижасида — 18,6, «эркатой» деб аташлардан қўриқш — 17,2, орқича вазидадан кутулиш мақсадида — 9,7, руҳий ҳолатда — 4,6 фоиз экан.

Соғлиқ ҳар бир одамнинг асосий бойлиги ҳисобланади. Шундай экан, бу бойликни авайлаш, асраш лoзим. Агар чекишнинг оқибатини ёшликдан фарзандларимизга тўғри тушунтира оласан, у ҳеч қачон қўлига сигарета олишга журъат этолмайди.

Шу ўринда 100 ёшли тоғли бир кексанинг қандайдиган йигитга айтган қуйидаги сўзларини эсга олиш мақсадага мувофиқдир.

Чекшининг учта «афзаллиги» бор: Уй эгаси кечаси билан йўталиб чиққанлиги учун кашангаликнинг уйига ўғри тушмайди. Уни ит қоп-салликлари келиб чиқади.

Чекшининг учта «афзаллиги» бор: Уй эгаси кечаси билан йўталиб чиққанлиги учун кашангаликнинг уйига ўғри тушмайди. Уни ит қоп-салликлари келиб чиқади.

Чекшининг учта «афзаллиги» бор: Уй эгаси кечаси билан йўталиб чиққанлиги учун кашангаликнинг уйига ўғри тушмайди. Уни ит қоп-салликлари келиб чиқади.

ЕР НАМИНИНГ ҚАЛҚОНИ

Бошқоқли дон ўрим-йигим мавсуми бошланишига санокли кунлар қолди. Мавсумни юксак уюшқоқлик билан тезу соз ўтказиб олиш учун айрим кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан ҳозирданок пухта тайёргарлик кўриш лозим. Республика Президентининг «2007 йил бошқоқли дон экинлари ҳосилини

йигиштириб олишга доир ташкилий чоратдирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ишлаб чиққан назорат режасига кўра галладан бўшаган майдонларда шудгорлашдан олдин сомон ва унинг қолдиқларини ёқиб юбориш қатъиян тақиқланган.

Маълумки, виллоятдаги мавжуд экин майдонлари фермер хўжаликларига бириктирилган бўлиб, бошқоқли дон экинларининг деярли 100 фоизи улар тасарруфиди. Ўз навбатида галла майдонларидаги сомонларни тўлиқ йигиштириб олишнинг барча масъулияти улар зиммасига тушади. Сомон ёқилиши ортида тақририй экин экиш учун ерни бўлатиш» уни тезроқ қайта тайёрлаш илҳини туради. Бироқ шу ўринда савол туғилади: ерни қайта тайёрлаш учун албатта сомон қолдиқлари ёқилиши шартми?

Кўпга тажрибали олим ва деҳқонларнинг мулоҳаза юритишча, тақририй экин экиш учун ерни қайта тайёрлаш шарт эмас. Сомонлар ва тўқилган бошқоқлар имкон даражасида йиғиб олинган, ерларга югуртириб сув берилиши, чуқур чизелла ёқиб экин экиладиган қаторлар юмшатилиши билан ҳар қандай экин экиш мумкин. Бунинг анчагина афзалликлари ҳам мавжуд. Биринчидан, ердаги нам ҳосил қолмади. Иккинчидан, ёз иссиқда экинлар кўчат ёки урғуларга сомон поиси соя бўлиб, унинг ўсиши тизлашади. Дон экинларидан қолган озуқа моддаларини янги экиннинг ўзлаштириши тизлашади. Қолаверса, сомон қолдиқлари экинлардан чиришдан сақлайдиган яхшигина тўшма вазифасини

ўташи мумкин. Бундай усул аввалдан ота-боболаримиз томонидан қўллаб келинган. Чет эллик фермерлар ҳам ўз иш тажрибаларида бу усулни самарали хисоблашади. Сомон чорвачилик учун қатъиян озуқа базаси бўлиб турганида, уни кўр-кўрона ёқиб юбориш исрофгарчилик ҳамдир. Бир гектар ерда 2 тонна сомон ёқиб кетадиган бўлса, қамиди 200 минг сўм иқтисодий самара йўқотилади. Бундан ташқари, атроф-муҳитга етказиладиган зарарлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Тупроқнинг унумдор қатлами ёқиб, 20 см. чуқурликкача қизиши натижасида унинг барча хусусиятларига зиён етди. Устига-устак энтомофага жониворлар — ерларнинг беминнат хизматкори бўлган чувалчанлар қиришиб кетади. Сомонга қўшилиб далаларда сочилиб ётган плёнка қолдиқлари, елим идишлар, ҳар хил чиқиндиларнинг ёниши тўғрисида атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар таъсирида инсон саломатлигига зарар етди. Уларнинг айниқса, ўсимир йигитларимизга кўрсатадиган хавф катта бўлиб, бештиликка олиб бориши мумкин. Ҳосил бўладиган ис газ (CO₂)нинг ҳавога тарқалиши ҳисобига азон тўйинининг катталашиб, ер юзидида содир бўлаётган глобал исийш жараёнининг тизлашишига олиб ке-

лаётгани ҳақида ҳам чуқур ўйлаб кўриш зарур. Ўтган йили виллоят бўйича 150 дан ортиқ сомон ёқиб ҳолатлари юзасидан маъмурий жазога тортилган фермер хўжаликлари раҳбарларидан жами 5 миллион сўмдан ортиқ жарима ундириб олинди. Бу йилги мавсумда ушбу ҳолатлар содир этиладиган бўлса, қонунбузарликка йўл қўйган фермерлардан қўшимча қамиди 50 миллион сўм товон ундириш ҳақида даъво қўзғатиш лозим бўлади. Чунки Республика Табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда Молия вазирликлари «Бошқоқли дон экинлари пояси (сомони) ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қўшма қарорига биноан ёқилган ҳар бир гектар учун экинларнинг ҳисобидан ер балл бонитети, ҳосилдорлиги ва дон маҳсулотлари харид нарҳига асосланиб, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 88-моддасига кўра энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 10 баробарига-ча жарима солиниши белгиланган. Бундан ташқари бой берилган ҳосил эвазига ҳар гектар ер ҳисобидан энг ка-


мида 100 минг сўмдан ортиқ товон тўлови ундириш кўзда тутилган.

Энг ачинарли ҳолат шундаки, сомон ёқилиши тўғрисида атрофдаги ўсимлик ва ҳайвотот дунёси, яъни тут дарахтлари, майда ва фойдали ҳашаротлар, паррандалар ҳамда қўш уяларига зиён етказилади. Далалар орқали ўтадиган электр ва алоқа тармоқлари ўтунлари, атрофдаги бино, иншоотларга ўт кетиши, шамол таъсирида ҳосили ўрилмаган далаларга зиён етиши ҳоллари ҳам содир бўлмоқда.

Ўтган йили Чиноз туманидаги «Одилжон» ва «Истикбол» каби фермер хўжаликларида 4 гектар, «Азимбек» фермер хўжалигида эса 3 гектар галла майдонини ёқиб юборганини учун заминдорларнинг ер майдонларини қайтиб олиш юзасидан Чиноз туман ҳокимлиги тақдимномалар киритилди.

Фермер хўжаликлари раҳбарлари, барча деҳқонлар оқоридаги каби кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлмаслиги учун сомонни ёқиб қўйиб қўйишлари, шу жараёнида назорат қилишга жалб этилган мутахассисларнинг вақти ва меҳнати қадрига етиб, уларнинг таъсирларига амал қилишлари, бор имкониятларни ишга солиб, қорва учун тайёр озуқа ҳисобланган сомонни вақтида йиғиштириб олишлари лозим. Натижада галладан олинмаган иқтисодиёт самара янада ошади.

Виллоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси, виллоят ёнгин хавфсизлиги бошқармаси.



АМАЛИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Паркент туманидаги Чотқол тоғ-ўрмон мелиоратив тажриба станциясининг ташкил этилганига 70 йил тўлди. Аввал у Сўқоқ тупроқ эрозияси ва селга қарши курашиш тажриба ўрмон хўжалиги деб юритилган. Станцияни ташкил этишдан мақсад Ўрта Осиё тоғ-ўрмон мелиоратив ҳолатини илмий асосда атрофлича ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш эди. Станция фаолиятини йўлга қўйишда ўрмон хўжалиги асосчилари ҳамда кўзга кўринган қатор олимларнинг ҳиссаси катта.

Кўп ўтмай тажриба станцияси ўз номини оқлади. Ушанда олимпиада Катерина Васильева хўжалигида 28 хил мева навларини ўрганиб, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилган. Бу билан у Ўзбекистонда биринчи бўлиб «Лалми боғдорчилиги»га асос солди. Бу каби илмий ишлар қўламини ривожлантириш ва олиб борилаётган амалий тажрибалар назоратини қўлайитириш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш мақсадида 1967 йили станция таркибидида Фарбий Тянь-Шань тажриба ўрмон хўжалиги тузилган.

Хозир хўжаликнинг майдони 1516 гектар бўлиб, унинг ишчи ходимлари ўз олдидан кўп қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришяпти. Шу кунгача тажриба станциясида бир қанча илмий тадқиқот ишлари бўйича амалий тажрибалар ўтказилди, ўнлаб диссертациялар кенг оммага тақдим этилди. Жумладан, ўрмон мелиоратив ва тоғолди ҳудудларида иҳота ўрмонларини кенгайтириш, шу йўл орқали тупроқ эрозияси ва сел оқимларига

қарши курашиш технологияларини ривожлантиришга қаратилган бир қанча илмий асарлари фақатгина ўрмон хўжалигида эмас, балки ҳамдўстлик давлатлари ҳамда Тошкент Давлат аграр университетида қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

Тоғ ҳудудларини тупроқ эрозиясидан сақлаш ва қарағай ҳамда арчазорларни қўлайитириш мақсадида тажриба станциясида 2004-2006 йиллар мобайнида 6 гектар майдонда ўрмон барпо қилинди. У ерга 27490 дон қарағай ҳамда 500 дон Зарафшон арчаси экилди.

Бундан ташқари ўрмонларни зараркундалардан асраш учун кимёвий воситалар билан ишлов берилмоқда. Станция ходимларининг ТошДАУ жамоаси билан тоғолди ҳудудларининг тупроқ тузилмасини аниқлаш бўйича олиб бораётган амалий ишлари ҳам ўз самарасини бераёпти.

Миртожи МИРТУРСУНОВ,
Паркент тумани табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси раиси.

ЁШ ЭКОЛОГЛАР БЕЛЛАШУВИ

Виллоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя йили ҳамда «Экологик билимлар кўни»га бағишлаб коллежлар ўртасида «Табиат — бу ҳаёт ва тириклик тантанасидир» шиори остида экофорум ўтказилди.

Ундан кўзланган асосий мақсад ёшларимиз олаётган экологик билимлар савиясини синовдан ўтказиш, уларда атроф-муҳит муҳофазасига шахсий дахлдорлик кўникмаларини тарбиялаш, шу йўналишда самарали фаолият кўрсатаётган коллежларни рағбатлантириш, ўқувчиларнинг ўзаро таъриба ва маҳорат алмашишлари учун шароит яратишдир. Уни ташкил этишда «Экосан» халқаро ташкилоти, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда ўрта махсус касб-хўнада таълими виллоят бўлимлари ҳамкорлик қилишди.

Экофорум доирасида виллоятдаги атроф-муҳит муҳофазаси йўналиши бўйича таълим берилаётган 6 та коллеждан 48 талаба 4 та шарт бўйича ўзаро беллашди. Қизиқarli ва мунозараларга бой тарзда кечган учрашувда талабалар ўзларининг табиатга бўлган муносабатини, экологик маданиятининг қай даражада эканлигини

савол-жавоблар ва сахна кўринишлари орқали намойиш этишди. Айтиш жоизки, илк мартаба ўтказилган экофорум барчада катта таассурот қолдирди. Яқиний натижаларга кўра Тошкент тумани ижтимоий иқтисодиёт касб-хўнара коллежи жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди. Жамоа рангли телевизор билан тақдирланди. Иккинчи ўринни эгаллаган Ҳазалкент хизмат кўрсатиш иқтисодиёт касб-хўнара коллежи талабаларига DVD мосламаси, учинчи ўринга лойиқ деб топишган Янгийўл тумани ижтимоий иқтисодиёт касб-хўнара коллежи вакилларига аудиомеганитфон ва кўмитанинг фахрий ёрликларини тақдим этилди.

Бундан ташқари, барча иштирокчиларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди. Келгусида ушбу экофорумни талаба-ёшлар ўртасида мунтазам ўтказиб боришга келишиб олинди.

Азиз АЗИМОВ,
мутахассис.

БИОУСУЛ: ЗАРАРСИЗ ВА ФОЙДАЛИ

Маълумки, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиладиган захарли кимёвий моддалар тез парчаланмай, ўз хусусиятларини узок вақт сақлаб қолди ва бу биосферадаги моддалар алмашишига таъсир кўрсатади. Оқибатда пестицидлар маълум микдорда тупроққа, сувда, ҳавода, улар орқали ўсимлик, ҳайвон ва инсон танасида тулланади. Мутахассисларнинг маълумотига кўра, саратон касаллигининг 80 фоизи географик муҳитнинг ифлосланишидан, айниқса, пестицидлар таъсири оқибатида вужудга келар экан. Улар атроф-муҳитни ифлослантиришдан ташқари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг сифатини ҳам бузди. Бунга йўл қўймаслик учун чет эл валютаси ҳисобига харид қилинадиган пестицидларни қайтариш, биологик усулни жорий қилишда барча имкониятларни ишга солиш керак.

Хозир бу усулни қўллаш биосферани ўта захарли моддалар билан ифлосланишдан сақлабқола қолмай, экинлар ҳосилдорлигига ва сифатини ошириш, иқтисодий фойда олишда асосий оим бўлмоқда.

Азимбек АКБЎТАЕВ,
қўмита мутахассиси,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.



Табиат ва ИНСОН

Тошкент виллоят
табиати муҳофазаси қилиш
қўмитаси саҳифаси

«Қизил китоб» саҳифаларига БОРИНИ АСРАБ ҚОЛАЙЛИК

Кўксугур — сўт эмизувчилар оила-
сига мансуб жонивор. У бу оиланинг
энг кенжа тури ҳисобланади.

Ўзбекистонда бу жониворлар Угам, Писком сувларининг юқори қисмларида ва Чотқол, Ангрен ҳамда Тянь-Шань тоғининг шимолдаги катта ҳудудда тарқалган. Уларни Қирғизистоннинг айрим ҳудудларида ҳам учратиш мумкин. Илгари Тожикистонда ҳам тарқалганлиги таъкидланади. Дарё сатҳидан 2200-3600 метр баландликдаги тоғ даштларининг намли жойлари, альп ва субальп ўтлоқлар минтақасидаги бўлоқлар, сўз тупроқлар, қорлиқларга яқин жойлар, тош-қояларнинг этакларини кўпроқ макон тутади.

Хозирги кунда кўксугурлар 20 мингга яқин бўлиб, кейинги ўн йилликлар мобайнида улар тобора камайиб бормоқда.

Март-август ораллиғида бу жониворлар фаол оила бўлиб ҳаёт кечиради, тўдалар ҳосил қилади, уяларига беркинби яшайди, қишни ҳам ўша ерда ўткази-
ди. Март-апрелда жуфтлашиб, май ойида болайди. Болалари июнь-июлда уяларидан секин-аста чиқа бошлай-
ди. Икки қишловдан сўнг улар воёга етади. Ўт-ўланлар, қўлчанча бошқоқли ўсимликлар, баъзан чувалчан, моллюска ва ҳашаротлар билан озиқланади.

Чорвачиликда ўтлоқлардан ҳаддан зиёд фойдаланиш, браконьерлик каби иллатлар бу жониворларнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, уларнинг чўпон итлари, бўри, тўлки, бургут, илвирис каби қушандлари ҳам бор.

Хозир кўксугурларни овлаш тақиқланган. Улар Чотқол қўрғончаси ва Угам-Чотқол миллий боғида муҳофазасига олинган. Жониворларни янада самаралироқ муҳофазаси қилиш учун Охангарон ясси текислигида махсус ҳудуд ташкил қилиш мақсада мувофиқ бўларди.



Судья С. Худойбердиев сайёра суд давомида ҳақиқий аҳвол билан танишиш мақсадида ариза муаллифлари билан суҳбатда бўлди. Қўмита талаби тўлақонли қаноатлантирилиб, иш жараёни тартибга келтирилгунга қадар қорхона фаолиятини тўхтатиб туриш ҳақида ажрим чиқарди.

Сайёра МИРДАДБЕВ,
қўмита ҳуқуқшуноси.

ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ

Қўмитага Қуйичирчиқ туманидаги Островский кўчасида яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан қуйидаги мазмунда хат келди.

«Бир неча йиллардан бери маҳалламиз ҳудудида терини қайта ишлаш қорхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Сўнгги вақтларда қорхонада кимёвий дорилардан фойдаланиш натижасида ёқимсиз ҳидлар ва зарарли моддалар атроф-муҳитни ифлослантирмоқда. Қорхонадан чиқаётган кўм-кўк тусдаги чиқиндилар катта каналга ташланади. У ерда ёзда фарзандларимиз чўмилади. Қорхонанинг орқа ҳудудидаги қўл ҳам жуда ифлосланган. Захарли дорилар хидига чидаб бўлмайди. Бу-

нинг натижасида теварак-атрофдаги хонадонларда ҳашаротлар пайдо бўлиб, аҳоли орасида турли касалликлар келтириб чиқармоқда. Қорхона яқинида жойлашган уйларда ўтириб бўлмай қолди. Қорхона фойда келтираётган бўлиши мумкин, лекин унинг фаолиятиндан аҳоли катта зиён кўрмоқда».

Ариза бўйича тезкор гуруҳ тузилиб, назорат қилувчи идора фаолиятини мувофиқлаштирувчи комиссия томонидан қисқа муддатли текширувга руҳсат олинди. Шунга кўра, воқеа жойига қилишиб, ҳозирги кундаги

аҳвол аниқланиши билан айбдорларга нисбатан маъмурий жазо қўлланди. Қорхона фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳақида ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Судья С. Худойбердиев сайёра суд давомида ҳақиқий аҳвол билан танишиш мақсадида ариза муаллифлари билан суҳбатда бўлди. Қўмита талаби тўлақонли қаноатлантирилиб, иш жараёни тартибга келтирилгунга қадар қорхона фаолиятини тўхтатиб туриш ҳақида ажрим чиқарди.

Сайёра МИРДАДБЕВ,
қўмита ҳуқуқшуноси.

КИМДИР ТУЗАДИ, КИМДИР БУЗАДИ

Табиатнинг бебаҳо инъомларидан бири сувдир. Усиз ҳаёт йўқ, бинобарин, у тириклик манбаи. Шу боис ҳар қатъиян авайлаб-асраш, исроф қилмай фойдаланиш каттаю кичикнинг ҳаёт широриға айлансагина биз қўзлаган мақсадга эришамиз.

Яширининг ҳожати йўқ, қўпчанча водопровод жўмрақларидан беҳуда оқиб ётган сувга кўзимиз тушади-ю, бепарво ўтиб кетамиз. Айниқса, ариқлардаги сувларни лойқалатиш, унга ҳар хил чиқиндиларни тўкиб, ифлослантириш кўни зиён эканлигини била туриб, парво қилмаймиз.

Идорамиз Тошкент денгизи соҳилларига яқин жойлашган. Чор-атрофга боқиб, баъзан айрим инсонларнинг ноқўя хатти-ҳаракатларига гувоҳ бўлиб қола-

миз. Хатто, арава-арава чиқиндиларни олиб чиқиб, ташлашга-ча боришад. Қадимдан ота-боболаримиз сувни муқаддас билиб, «сувни лойқалатма, беҳуда исроф қилма, ахлат ташлама» деб уқтиришган.

Албатта, беш қўл баробар эмас. Она-табиагини кўз қорачиғидек асраб, унинг янада гуллаб-яшнашига сидқидилдан ҳисса қўшиб келайтирлар ҳам қўп. Тумандаги «Меҳроҳ» болалар оромгоҳи ва сийхатгоҳи томонидан теварак атрофни ободонлаштириб, қўлакам-

зорлаштириш мақсадида 48 минг туп терак қаламчалари, 12 минг туп мевали дарахт кўчати ўтказилганлиги, 1500 туп турфа гул кўчатлари экинган фикримиз далилидир. Хозир ўтказилган ҳар бир кўчат келгусида боғи-роғларга айланади, шигил-шиғил мева беради. Ранго-ранг очилиб турган гулларга кўзингиз тушганда, кайфиятингиз кўтарилиб, қалбингиз беихтиёр баҳорий сурурларга тўлиш турган гап. Чунки гўзаллик мавжуд бўлган жойда зғулик, яхшилик бор. Бундай жойдан меҳроб қўтарилмайди, албатта.

Баҳром ХАЙДАБЕКОВ,
Ўртачирчиқ тумани табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси етакчи мутахассиси.

ИМКОНИЯТЛАРНИ КЎРА БИЛСАК

ана шундагина ҳаво мусаффолиги ҳамда
оби-ҳаёт зилоллигига эришиш мумкин

Хозир бутун дунёда «Глобал экологик хавф» деган ибора бот-бот такрорланмоқда. Бу қандай муаммо ўзи?

Агар мамлакатимиз микёсда оладиган бўлсак, ҳаммаси жойида, хавотирга ўрин йўқдек туюлади. Ҳолбуки, масалага жиддий ёндашадиган бўлсак, муҳитдаги нотабий ўзгаришлар яққол сезилади. Мисол учун, кейинги йилларда аҳоли ўртасида аллергия касалликлар кўпаймоқда. Яъни, инсон вужудига ташқи таъсир кучи ошган. Бу факат тиббиётчиларга тааллуқли муаммо эмас, балки ҳаммамиз биргаликда ҳал этадиган вазифадир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, республикамизда 2030 йилга бориб шимолӣ ҳудудларда ҳарорат 2-3, жанубда бир даражага ошади. Бу ўртача йиллик ҳарорат микдор. Тўғри, ҳароратнинг бир ёки икки даража ошиши унчалик аҳамиятли эмасдек, гўё, Энди унинг оқибатларини бир тасаввур қилиб қўрайлик. Икким ўзгариши натижасида ердан сувнинг буғланиш ҳажми йилга 10-15 фоиз кўпаяди. Ўз навбатида одамда ҳам тоза ичимлик сувга бўлган талаб ошади. Қишлоқ хўжалигида эса, ўсимликларнинг одатдагидан кўпроқ суғоришга мажбур бўлинади.

Ҳўш, бу муаммо нима сабабдан юзага келади? Тошкент шаҳри ва виллоят — республикамизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан тоза ичимлик сувга бой ҳудудлардан. Бу ерда ёз мавсумида дам олишга мўлжалланган минглаб оромгоҳлар ўз-ўзидан қурилмаган. Табиати гўзал, суви зилол, ҳавоси мусаффо. Чотқол тоғ зонаси бежиз иккинчи «Швейцария» номини олмаган. Икким ўзгариши, айнан шу дам олиш масканларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу сабаб дам олиш ҳудудларидан фойдаланиш

бўйича аниқ экологик маданиятни оширишимиз керак. Биринчи навбатда тоза, зилол сувни эҳтиётлаб, унинг ифлосланишига йўл қўймаслик зарур. Ҳар турли чиқиндилар билан тўлдирмаслик, довдарахтларни авайлаш ҳам экологик маданият шартларидир.

Лекин, икким ўзгариши санноат қорхоналари ривожига ёки транспорт воситалари кўпайганилигигагина боғлиқ эмас. Унинг ўзгаришига табиий ресурслардан кенг миқёсда фойдаланиш, ҳавони зарарли, тўғрироғи қийин парчаланмади, углевод, олтингурут ангидриди, фторлашган водород сингари ундан ортиқ чиқинди газлар билан тўлдиримиз сабаб бўлаяпти. Шу боис санноат қорхоналарига экологик мувозанатни сақлашга мўлжалланган мукамал технологияларни жалб этиш орқали ҳам умумжаҳон бойлигини асрашга эришиш мумкин. Халқаро Базел конвенцияси, Биохилма-хилликни асрашга қаратилган ҳужжатлар миллий қонунчиликда ҳам ўз аксини топтоқда. «Чиқиндилар тўғрисида», «Биохилма-хилликни сақлаш» ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари фикримизга далилдир.

Ангрендаги электр энергияси ишлаб чиқаришга ихтисослашган қорхона атрофида ажойиб бир тепалик бор. Қўқламда майса қоплайдиган, ёзда эса теваракка тонналаб зарарли кўмир кули ва чанги тарқатувчи тепалик қорхона чиқиндисидан ҳосил бўлган. Мутахассислар уни нақ тўрт миллион тоннадан зиёд, деб ҳисоблайди. Хозир экологлар ва олимлар савй-ҳаракати билан қорхонада чиқиндидан иккиламчи фойдаланиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Лекин бу

Ангренда қўл чиқиндисини ташқарига умуман ташланмаёпти, дегани эмас.

Бўрсиқиб чиқаётган тутун ва чанги Охангарондаги цемент қорхонасида ҳам кузатиш мумкин. Унинг чанги ҳаво орқали тўппа-тўғри дам олиш ҳудуди — тоғларга туташади. Бу тоза ичимлик сувига ҳам бевосита алоқадор.

Яна бир хавф сув захира-ларига чиқинди оқавалар оқизилаётганидир. Амударё ва Сирдарёдаги ҳар лирт сувга оймағ ўртача 2,5-3 граммдан оқва қўйишлар экан. Турли касалликлар, ернинг шўрланиши, ўсимлик ва дарахтлар қуриши, тури камайиши ҳам ана шу жараён билан боғлиқдир.

Шу маънода глобал экологик муаммоларга нисбатан жамоатчилик эътиборини қўлайитириш, экологик маданиятни оширишга борган сари долзарб масала сифатида қаралмоқда. Айни пайтда энергиянинг муқобил, табиий турларидан фойдаланишнинг янада кенгайтириш, мутахассис олимлар эса бу йўналишда мукамал технологиялар яратиш борасидаги тадқиқот ишларини қўлайитиришлари талаб этилади. Биргина қўёш энергиясидан фойдаланишни ошириш ҳисобига йилга виллоятда ҳар бир оилада 400 киловатт энергияни тежаш мумкин экан. Улка-мизда йилнинг ўртача 270 кўни қўёшли. Бунга оқар дарё ва шамол энергияларини қўшсак, ҳали имкониятлар кенглиги ойдинлашади. Демак, глобал экологик хавфга эътиборсиз бўлмасак, қўл қўвиштириб турмасак, имкониятларни кўра билсак, яна бошқа йўларини ахтаришда давом этсак, экологик муаммолар йўл-йўлакай ҳал бўлиб бораверади.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
журналист.

Истеъдод

ҲАММАСИ ОҚҚУРҒОНААН

Навбатдаги тадбирлардан бирига тайёргарлик кетмоқда. Атласдан тикилган бежирим либослари ярашиб турган қизалоқлар гўё парвозга шай турган қушчалардек қанот ёзиб турибди. Нигоҳларидаги қувонч, шодлик ифодаси беғубор болалик дунёсидан бир мўж-да каби дилингизни яйратади. Беихтиёр қизчалар

атрофида парвона бўлиб гоҳ шокиладор дўшпиранини, гоҳ зулукдек товланган қокиллари тўрилайётган меҳрибон аёлга тикилиб қолди.

— Ҳозирги рақсимиз «Хоразм лазгиси», — дейди у. — Қани бир чиройли табассум қилинг. Қўрганнинг кўзи қувонсин...

Ха, Оққўрғоннинг машҳур «Қувонч» халқ рақс дастаси раҳбари Сайёра Сайдалиева рақс санъатининг шайдоси, ўз ишининг фидойиси.

Оққўрғонликлар меҳрини қозонган маданият, санъат ихлосмандларининг фаолиятида айтиб ўтишга арзигulik заҳматли меҳнат медалари бисёр. Бу ҳақда туман маданият уйи раҳбари Хайрулла Мираҳмедов шундай дейди:

рақларга 564 нафар ўқувчи катнашади. «Тўрғай», «Наврўзи Ажам», «Қувонч» каби ашула ва рақс дасталаримиз туман, вилоят, республика миқёсида, ҳатто, чет элларда ҳам ўзбек халқи маданияти, санъатини намойиш этиб келмоқда. Республика «Болалар ижодиёти» фестивали совриндори «Қувонч» халқ рақс дастаси «Янгиобод — 2006» кўрик-танловининг қолиби, «Тўрғай» ашула ва



27 нафар ёш истеъдод эгалари катнашади.

— Туманимиз ёшлари ҳаётида спортнинг ўрни алоҳида, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Фахриддин Қудратов. — Бокс бўйича республика чемпиони Умид Тўрақуллов, миллий кураш бўйича Осиё чемпионати кумуш медали соҳиби Доинёр Абдуллаев, юнон-рум кураши бўйича олимпиада катнашчиси Шермухаммад Қўзиёв, «Пахтакор» футбол клуби аъзоси Исрол Иномов каби спортчиларимиз барча ёшлар учун ибрат деса бўлади. Ёшларнинг севимли «Уста Нормат» футбол жамоаси аъзолари ҳозирги кунда футбол интернатида тахсил олишмоқда.

Сайёра ЭШМАТОВА.

СУРАТЛАРДА:

(Юкорида) Сайёра Сайдалиева бошчилигидаги «Қувонч» халқ рақс дастаси машғулот пайтида; «Наврўзи Ажам» халқ мусика дастаси.

Пардозов ЭРГАШЕВ олган суратлар.

«ИЧАН ҚАЛЪА» КАТАЛОГИ

Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Хивадаги «Ичан қалъа» музей - кўриқхонаси ҳамкорлигида тўрт жилддан иборат «Ичан қалъа» альбом-каталоги нашр этилди.

Мазкур альбом-каталогда «Ичан қалъа»дан жой олган 54 минг экспонат ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумот берилган.

Каталог «Хоразм тамаддуни — жаҳон маданиятининг узвий қисми», «Ичан қалъа» музей кўриқхонаси тўпламлари», «Қадимги Хоразм», «Амалий санъат», «Хунармандчилик», «Музыка

санъати тарихи», «Халқ таълими» каби бўлимлардан иборат. Ушбу альбом бебаҳо меросимизни, бой маданиятимизни ўрганаётган ёшлар, мамлакатимиз билан танишиш иштиёқида юртимизга ташриф буюрадиган минглаб хорижий сайёҳлар учун ҳам муҳим қўлланма вазифасини бажаради.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎЗА мухбири.

ЁШ ИЖРОЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Янгийўлдаги 11-болалар мусика мактаби тарбияланувчилари ижрочилик маҳоратини тобора чуқур эгаллаб бораётирлар.

Бу, айниқса, яқинда яқунланган болалар мусика мактаблари тарбияланувчиларининг республика кўрик-танловида яққол намоён бўлди. Тошкент Давлат консерваториясида ўтган бу танловда янгийўллик ёш ижрочи Нодира Раҳматова совринли иккинчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, ўқувчилардан Дима Мун эстрада йўналиши бўйича учинчи, Мерьем Абдултоирова фортепьяно ижрочилиги бўйича тўртинчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Сайджон КАБИРОВ, ўқитувчи.

Аъзам АЗИМИЙ



КАРАНТИН

Свердловск Тоғ институтида бўладиган ёш олимларнинг анжуманида Маргарита Николаеванинг аралашуви билан кўриқхонадан бўлди. Менинг илмий ишимни Ливиянинг илтимоси билан 5 октябрда, эрталабки йиғилишда тинглайдиган бўлишди. Аслида мен учинчида маъруза қилиб, қўлиб олмоқчи эдим. Шунинг учун чиқишимни анжуманининг охири кўриқхонага қўйиб қўйиб, Ливиядан сўрасам, у яна ўзининг арифметик ҳисобига сўради:

— Сenga айтганим-ку, ахир, иккимизнинг рақамимиз «5» деб. Мана қара: маъруза қиладиган сананг: 1959.05.10. яъни 1+9+5+9+5+1=30. Бу олти рақамнинг йиғиндиси. Шунинг учун уни «6» га бўлсак «5» чиқиб турибди. Ахир, олпа-осон ҳисоб-ку, нахотки эслаб қололмайсан? Ёки ҳисобларимни майнавозчилик деб ўйлабсанми?

— Йўғ-э, — дедим жон холатда унинг дилини огритиб қўйишдан кўриб, сўнгра қўлига секин шивирладим: — Инсонлар тақдирини сонлар белгилашни унутибман, менинг гўзал фаршаман.

Қўтирган 5 октябр ҳам этиб келди. Ўн дақиқагина маърузамни тинлаган анжуман катнашчилари роса бир соат «тўстагини» қўқиди. Новосибирск, Красноярск, Украинаю Белоруссиядан келган ёш олимлар сўзга чиққанларида, мийиғларида қўлиб, мени ҳайлапастага чиқаришди. Тоғ институтининг профессори Зебзиев бўлса, очикдан-очик «Маданларни вертолёт билан ташини чумчуқни тўп билан отишдек нарсас» деди. Факатгина олматалик профессор Лысенко ва машҳур транспортчи олим, профессор Васильевгина мени қўлашди.

Маъруза қилиганимга пўшаймон бўлиб, бошимни кўтаролмай қолдим. Айниқса, Ливияни олиб келганимдан изтиробда эдим. Унинг қўлига қараб олмасдим. Бошим ғовлаб, қўлогимга ҳеч қилишди.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Хурида НАЗАРОВА суҳбатлашди.

Тошкент Фотосуратлар уйида Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Севил Алиеванинг шахсий кўргазмаси очилди.

ТАЛАБАНИНГ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ

Айни пайтда мазкур институтнинг биринчи босқичида тахсил олаётган Севилнинг картиналари юртимиздан ташқари қатор хорижий давлатларда ўтган кўргазмаларда ҳам муваффақиятли намоийш этилган.

Шунингдек, унинг

асарлари Швейцария, Голландия, Чехия, Россия каби мамлакатларда ташкил этилган турли халқаро кўргазмаларда ҳам муваффақиятли намоийш этилган.

«Хиссиёт фалсафаси» деб номланган мазкур кўргазмалар С. Алиеванинг «Ёмғир», «Шарқона нигоҳ», «Она», «Раққоса» сингари етмишга яқин асари ўрин олган.

ЎЗА.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

«CHALLENGER» МУСОБАҚАЛАРИ ЯҚУНЛАНДИ

Фаргона шаҳридаги «Истиклол» теннис мажмуасида «Challenger» анъанавий халқаро турнири яқунланди. Ўнда Россия, АКШ, Хитой, Украина, Беларусь, Хиндистон, Қозғистон, Австрия каби 18 мамлакатдан 64 ракетка устаси иштирок этди.

Мазкур нубуали турнирда иштирокчилар сони кўпаяётганини унга халқаро миқёсда қизиқиш ортиб бораётганидан далолат беради. Бу йилги турнир ҳам шиддатли ва қизиқарли баҳсларга бой бўлди.

Яққил баҳслар финалида Энтони Дюпа (Франция) ҳамда Павел Чехов (Россия) бош совринга даъвогарлик қилди. Франция вакили икки сетда 6:1 ва 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди. Жуфтлик баҳсларида эса Данел Бранс (Германия) ва Жон Фруттер (АКШ) ғалабани қўлга киритиб, қолибик шохсупасига кўтарилди.

М. СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири.

— Мусобақалар Низомиде қандайдир ўзгаришларни кузатиш мумкинми?

— Ўзгаришлар йўқ эмас. Энг аввало, жамоа бўлиб ўйналадиган спорт турлари иштирокчилари 1-2 нафарга қисқартирилди. Бундан ташқари яқиний босқичда Тошкент шаҳридан бир йўла учта жамоа қатнашади.

Низомда кўрсатилган бандлардан фарқи равишда саралаш босқичларининг муддатларини ўзгарттирдик. Шунингдек, биринчи кўрсатка қабул қилинаётган талабаларнинг иштирок этиши ҳам инобатга олинди. Шунинг тасвирида талабалар олий ўқув юртига илк қадам қўйган кўнлариданоқ университет шарафини, унинг

(Давоми. Боши 1-бетда).



УНИВЕРСИАДАДАН УМИД КАТТА

нашиб келарди. Бу йил эса бунга чек қўйилди. Энди бошқа вилоятлар қатори пойтахтдан ҳам факат битта жамоа қатнашади.

Низомда кўрсатилган бандлардан фарқи равишда саралаш босқичларининг муддатларини ўзгарттирдик. Шунингдек, биринчи кўрсатка қабул қилинаётган талабаларнинг иштирок этиши ҳам инобатга олинди. Шунинг тасвирида талабалар олий ўқув юртига илк қадам қўйган кўнлариданоқ университет шарафини, унинг

мавқеини ҳимоя қилишга камарбаста бўлмоқларди. — Қандай турлар бўйича имкониятимиз кўпчилигига, қайси талабаларнинг ғалаба келтиришига ишонч билан қарамоқдасиз? — Универсиада мусобақаларидан умидимиз катта. Енгил атлетика, сузиш, курашдан юқори ўринларни олишимиз мумкин. Футбол, волейбол, ҳамда қўл тўпи бўйича тайёргарликлар қонқариллиги ҳам имкониятларимиз юқори эканлигини кўрсатиб турибди.

Таркибда маҳоратли спортчилар бор. Енгил ат-



летика бўйича спорт устаси, ёшлар ўртасида Осиё ўйинлари совриндори, икки қарра Универсиада қолиби, бир неча қарра Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирлар қолиби Диана Плумаки, худди шундай ютуқлар соҳиби Наталья Бессмертных, кураш бўйича спорт устаси, Марказий Осиё спорт ўйинлари, Англияда ўтказилган Исрол Каримов турнирининг қолиби ҳамда бу йилги ат-Термизий хотира турнирининг совриндори Шухрат Муродов, маҳоратли сузувчи Никита Кирянов ҳамда енгил атлетикадан яна бир вакили-

миз Андрей Бабинини тилга олишимиз мумкин.

— Ҳомийлик масаласи қандай ҳал бўлаяпти?

— Вилоят ҳокимлиги спортчиларни байрамона уст-бошлар билан таъминлашга қарор қилганлиги қувонarli бўлди. Тошкент Давлат Аграр университети эса овқатланиш ва ётоқхона масалаларини ҳал этилишида ёрдам берди. Университетнинг ўқув-таъриба ҳўжалиги раҳбари Саиднаби Ҳасанов ҳам шахсан ўзи яхши ташаббуслар кўрсатяпти.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Хурида НАЗАРОВА суҳбатлашди.

Биринчи табақа

«СЎҒДИЁНА» ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Кимёгар» ўз майдонида Андижоннинг «ЎзДонЖу» жамоаси билан баҳс юритиб, 0:3 ҳисобида мағлубиятга учради.

Яна бир вакилимиз «ОТМК» ўз майдонида «НБУ-Осиё» билан тўп суриб, 1:1 ҳисобида дуранга эришди. Чемпионатда «Кимёгар» 8-, «ОТМК» 13-ўринни банд этиб турибди.

Навбатдаги учрашувлари бугун бўлиб ўтади. «Кимёгар» «Цементчи»ни, «ОТМК» эса «Шайхонтохур» жамоасини қабул қилади.

Таълат ЮСУПОВ.

Олий табақа

ТўП КИМГА ПАНД БЕРАЯПТИ?


Футбол жамоалари мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур учрашувларини ўтказди.

Марказий учрашув Тошкентда «Пахтакор» ва «Насаф» жамоалари ўртасида бўлди. Майдон эгалари устунликка эга бўлсалар-да, 87-дақиқада дарвозалар даҳслизлиги сақланиб турди. Бироқ учрашув тугашига 3 дақиқа қолганда ўйин мутлақо ўзгача тус олди. «Пахтакор» сўнгги 5 дақиқада (бош ҳакам 2 дақиқа вақт қўшиб берди) 3:0 ҳисобида йирик ғалабани қўлга киритди.

Вилоятимиз шарафини

ҳимоя қилаётган «Металлург» Муборакда «Машъал»га қарши баҳс юритди. Учрашувнинг 17-дақиқасида машъалчилар ҳисобини очган бўлсалар, 35-дақиқада 3:0 га етказдилар. Меҳмонлар 43-дақиқада битта жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлдилар. Танафусдан сўнг «Машъал» яна 2 бор тўп киритди.

«Металлург» 5 очко билан яна сўнгги ўринга тушиб қолди.



Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» — «Шўртан» 2:0, «Қизилқум» — «Локомотив» 1:0, «Самарқанд» — «Вобкент» 1:0, «Тўпаланг» — «Қурувчи» 1:2, «Навбаҳор» — «Нефтчи» учрашуви кечиктирилди.

Навбатдаги учрашувлар 9, 10, 11 июнь кўнларига белгиланган. «Металлург» «Қизилқум» жамоасини қабул қилади. Бугун эса у «Трактор» билан 10-турнинг кечиктирилган учрашувини ўтказди.

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82,
136-53-54.

Манзиллими:
700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

• Ёшлар ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун рекалама ва ёшлар билдирувчилар масъулдир.